



Колумбнинг борт дафтарида оролларнинг хайратомуз гўзаллиги ва ахолисининг самимий, бахтиёр ва дўстона экани бир неча марта кайд килинган. Биринчи алокадан икки кун ўтиб, журналда мудхиш ёзув пайдо бўлади: “Уларнинг хаммасини босиб олишимиз ва уларга ўзимиз истаган нарсани килдиришимиз учун 50 та аскар етади... Ерли ахоли бизга истаган жойимизда юришимизга рухсат берди ва истаган нарсаларимизни мухайё килмокда”. Европаликларни хайратга энг кўп солган нарса бу халкнинг очик кўллиги бўлган. Ва бу ажабланадиган нарса эмас. Колумб ва унинг шериклари бу оролларга хакикий жаханнамдан сузиб келишган эди. Ўша вақтда Европа шундай сифатга эга эди. Улар эса, Европа дўзахидан чиккан бало эдилар (аксар холатларда тубанликка (разолатга) ботган кишилар). Европада капиталистик ҳаёт учун курашнинг конли тонгги отмокда эди. Бу ҳақида кискача тўхталиб ўтсак.

«Европа» деб номланган жаханнам

Европа жаханнамида дахшатли синфий кураш авжига чиккан, доимий кора чечак, вабо ва ўлатлар бутун бошли шаҳарларга киргин олиб келар ва ундан ҳам кўп учрайдиган очарчиликлардан одамлар кирилиб кетаётган эди. Бирок, 16-аср Испания тарихчисининг сўзига кўра, “фаровонлик йилларида ҳам, акл бовар килмас тарзда безатилган тушлик дастурхонларига минглаб очлар тикилиб турганига карамай, бойлар бўкканича ейишар эди”. Омманинг ҳолати жуда аянчли эди. Хатто, 17-асрда бугдой ва сўк нархининг “ўртача” ошиши натижасида Францияда ахолининг кирилиб кетиши АКШдаги фукаролар урушида ҳалок бўлганлар сонидан икки карра ошиб кетган.

Колумб саёхатидан юз йил ўтиб ҳам Европадаги шаҳар хандаклари оммавий хожатхона вазифасини бажарар, ичида хайвонлар жасади ва шаҳар кўчаларининг ахлатлари чириб ётарди. Лондоннинг муҳим муаммоларидан бири “кашшоклар учун ўралар” бўлиб, “катта, чукур ва очик ўраларда кашшокларнинг ўликлари калашиб ётарди. Ўралар бўғзига қадар тўлганидан кейингина устига тупрок тортишарди”. Ўша замон кишиларидан бири шундай деб ёзиб қолдирган: “Қандай ҳам сассик хид, тирикларнинг ёдидан кўтарилган ўликларга тўлган ўралардан келаётган бадбўй жазирамада ва ёмгирдан сўнг янада анкийди”. Тугилганидан то ўлгунича чўмилмасдан ўлиб кетаётган тирик европалиқдан келаётган хид бундан кўра анча яхшироқ туюларди. Қарийб ҳар бир кишининг юзида

чечакдан колган доглар, ўз курбонларини гилай, чўлок, букри ва бошка абгор холларга туширадиган юкумли касалликларнинг асоратлари сезилиб турарди. Кишиларнинг ўртача умри 30 ёшга етмасди. Болаларнинг ярми 10 ёшга етмасдан ўлиб кетарди. Жиноятчилар сизни хар бурчакдан такиб килиши мумкин эди. Жиноятчиларнинг энг оммавий равишда фойдаланадиган усулларида бири бу ўз курбони бошига деразадан тош ташлаб, уни тинтув килиш эди. Ундан ташкари, байрамона кайфиятдаги одамлар ўнлаб тирик мушукларни ёкиб юборишни эрмак килишар эди. Европада очлик йиллари шаҳарларда исён кўтарилар, ўша пайт ахолиси ўртасидаги синфий урушлар (масалан, “Дехконлар уруши” деб ном олган урушлар) натижасида 100 минглаб одамларнинг ёстиги курирди. Кишлок хўжалиги билан шугулланувчи дехконларнинг қисмати ҳам дуруст эмас эди. Замонавий тарихчилар томонидан тасдиқланган ва 17-асрда Лабрюер томонидан колдирилган француз классик ёзмаларида:

“Кишлок жойларида яшовчи махлуклар, гарчи одамбашара бўлиб кўринсалар-да, ўшайган ва бадковок хайвонлар каби эди. Улар худди тупрокда думалаган эшак каби ифлос эдиларки, уларнинг одамга тегишли хусн-ранглари ҳам хатто саргайиб кетган эди. Уларнинг ўзига хос нутки мавжуд бўлиб, гапларини тўгриласаларгина, одам гапираётганига ишонса бўларди. Улар хар тунда корайиб кетган нонни еб, сув ичиб, ўзлари яшаётган капаларга кайтишар эди”.

Лоренс Стоун оддий инглизларнинг кишлоғи хакида ёзганлари ҳам ўша давр Европасига тааллуқлидир:

“Бу нафрат ва адоватга тўлган жой бўлиб, унда яшовчиларни бирлаштириб турадиган ёлғиз нарсаси - махаллий жодугарни кийнаб, сўнг уни тириклайин ёкиб юбориш учун кўпчилик бирлашиб оладиган оммавий жазава холати эди”.

Англия ва китъада учдан бири жодугарликда айбланган шаҳарлар бўлиб, улар ахолисининг юзтадан ўнтаси бир йил ичида шу айб билан катл килинарди. 16-17-аср мобайнида Швейцариянинг биргина туманида “сатанизм” айби билан 3300 одам катл килинган. Кичкинагина Визенштейг кишлоғида бир йил ичида 63 та “жодугар” ёкилган, 700 та одам яшайдиган Обермархталада эча уч йил ичида 54 та одамни ёкиб ўлдиришган.

Кашшоклик Европа жамияти учун шу кадар асосий тушунча бўлганки, 17-асрда Францияда унинг даражаларини тўла ифодалаб бериш учун 20 га якин сўздан фойдаланилган. Академия лугати “dans un etat d'indigence abolue” иборасининг маъносини куйидагича изохлаган: “... бу шу пайтгача ейдиган овкати, зарурий кийим-кечаги, ёхуд бошпанаси бўлмаган, лекин хозирда ишчи оиланинг асосий максоди бўлган овкат тайёрлаш учун энг оз нарсаларга ва устига ёпиш учун чойшабга эга бўлган кишидир”.

Насроний Европада кул савдоси гуллаб-яшнади. Черков бу нарсани кўллаб-кувватлаб, ўзи ҳам йирик кул савдогари бўлган (Америкадаги геноцид кўламини англаш учун черковнинг бу масаладаги сиёсати хакида макола сўнггида тўхталиб ўтамиз).

14-15-асрларда кулларнинг аксарияти Шаркий Европадан, айникса, Руминиядан келтириларди (тарих хозир ҳам такрорланмокда). Кичкина кизчалар юкори бахоланарди. Бир кул савдогари ўз миждозига ёзган мактубидан: “Руминиядан кемалар келганида, улар ичида кизчалар ҳам бўлиши керак, бироқ ёш куллар ҳам катта ёшдаги куллар каби киммат нархда бўлади; кандайдир кийматга эга бўлганлар бор бўлса ҳам, улар нархи 50-60 флориндан кам бўлмайди”.

Тарихчи Жон Босвеллнинг таъкидлашича, 15-асрда Севильяда сотилган 10 ва 20 фоиз

аёллар ё хомиладор, ё кўлларида гўдаклари бўлган. Хали тугилмаган ёки энди тугилган гўдаклар эса шундайлигича, ҳеч қандай ҳақсиз, кулларни сотиб олувчиларга ўтган. Бойларнинг ўз муаммолари бор эди. Улар ўзларининг илк “салб юришлари” яъни европаликларнинг илк мустамлака юришлари давридан одат бўлиб қолган экзотик нарсаларга бўлган хоҳишларини қондириш учун олтин ва қумушга жуда ташна эдилар. Ипак, зираворлар, ингичка толалар, наркотик воситалар ва дорилар, атир ҳамда қимматбаҳо тақинчоқлар учун мўмайгина пул керак эди. Бир венециялик сўзи билан айтганда, олтин европаликлар учун “давлатда барча учун ҳаёт томири... унинг ақли ва қалби... бутун борлиги ва ҳаёти” бўлган. Аммо қимматбаҳо металлларни Африка ва Яқин Шарқдан ташиб келиш ишончсиз эди. Бунинг устига, Шарқий Европадаги урушлар сабабли, Европа газнаси бўшаб қолган эди. Шу сабабли, янги, ишончли ва нисбатан арзон олтин манбасини топиш зарурати тугилади.

Бунга яна нимани қўшимча қилиш мумкин? Юкорида айтилганлардан кўриниб турибдики, зўравонлик Европа ҳаётида одатий ҳол бўлган. Лекин муайян вақтларда бу зўравонлик шундай даражага етганки, Гарбий яримшар аҳолиси (Америка ҳиндулари) ҳаёлига ҳам келтирмаган ишлар содир бўлган. Сехргарларни овлаш ва ўтда ёкиш қундалиқ манзара бўлган. 1476 йилда Миланда одамлар галаси бир қишига ҳужум қилиб уни бўлақларга бўлиб ташлаган, кейин эса унинг гўштини ейишган. Париж ва Лионда гугенотлар (католик черковидан ажралиб чиққанлар)ни ўлдириб, бўлақларга бўлиб, гўштини очикчасига қўчаларда сотишган. Бундан бошқа қийноқ турлари, қотиллик ва одам гўштини ейиш (қаннибализм) маросимлари ҳам оддий ҳолат бўлган.

Ва ниҳоят, Колумб ўзининг денгиз сафарлари учун Европа бўйлаб пул излаётган бир вақтда, Испанияда инквизиция олови авжига чиққан эди. Европанинг ҳамма ерида насронийликдан юз ўгирганликда гумон қилинганларга шафқатсиз азоб берилган, европаликларнинг ҳаёлларига қелиши мумкин бўлган барча турдаги жазо қоралари қўлланилган. Баъзилар осилган, гулҳанда ёқилган, қозонда тириклайин қайнатилган ёки айбдорнинг танасини қўзадиган қийноқ қурилмасига қўланган. Қолганлари янчилган, боши танасидан жудо қилинган, тириклайин териси шилинган, қўқтирилган ва қормихга қортилган.

Собиқ қулқуруш бўлган Христофор Колумб ва унинг денгизчилари қема қуйруги ортида қолдирган 1492 йил августидagi Европа дунёси шундай эди. Улар Атлантиканинг нариги қирғоғига ҳам ҳалокатли бақиллани олиб қорган ва эндиликда ушбу ҳасталиқни миллионлаб одамлар бошидан қечиришга мажбур бўлган ўша Европа дунёсининг оддий вақиллари эди.

Қақамлар

“Оқ танли жаноблар бизнинг еримизга қелганларида, улар қўрқинч ва рангларнинг сўлишини ҳам олиб қелишди. Улар бошқа халқ рангларининг расвосини қикариб, халқ қилишди... Қундузи ўлган ва ярадорларни таловчи, тунлари эса жинойтчи, тинчлик қотиллари”. (Майя Қилам Балам қитобидан)

Қолумбгача бўлган даврдаги Америка қитъаси аҳолисининг ҳақиқий сонини яшириш

бўйича евроамерика илмий доираларининг тил бириктириб олишгани хакида Станард ва Черчилъ анча маълумотлар колдиришган. Бу фитналар бошида Вашингтондаги Смитсон институти турган ва туришни давом этмокда.

Уорд Черчилъ Европалик яхудийларга карши геноцидни ўрганувчи ва замонавий империализм мафкурасининг стратегик йўналиши бўйича шугулланувчи америкалик олимлар, “прогрессив” тарихчилар Америка китъаси туб ахолисига нисбатан уюштирилган геноциднинг халкаро тарихий ахамияти хамда унинг хакикий микёс-кўламини аниклаш ва ўрганишга кўрсатаётган каршилиги хакида батафсил гапиради.

Жеймс Муни каби иркчи антропологларнинг 19-аср ва 20-аср бошларида келтирган хулосаларига кўра, Колумбгача бўлган даврда Шимолий Америка ахолисининг сони 1 миллион 100 минг кишидан ортмаган эмиш. Америка официоз (ярим расмий) фанининг флагмани бўлмиш Смитсон институти бу хулосани шу кунларгача хам “илмий” дея бахолаб, таргиб этиб келганди. Аммо урушдан кейинги даврда кўллана бошланган кишлок хўжалиги тахлили услуби ўша пайтда ахоли зичлиги анча баланд бўлганини аниклаш имкониятини берди. Мисол учун, хозирги кунда энг бой ва энг нуфузли евроамерикаликлар дам олишни хуш кўрган Martha's Vineyard оролчасида 17-асрда 3 минг нафар хиндулар истикомат килган. 20-аср 60-йилларининг ўрталарида Рио Гранддан шимолдаги худудда туб ахолининг сони европалик мустамлакачилар истилосининг бошланиши аввалида 12,5 миллион бўлгани хакидаги хулосага келинди. Биргина Буюк Кўллар атрофида 1492 йилга келиб 3,8 миллион киши, Миссисипи хавзасида эса 5,25 миллион киши яшаган.

Ўтган аср 80-йилларидаги янги изланишлар натижасида Шимолий Американинг Колумбгача бўлган худудида истикомат килган ахоли сони 18,5 миллионга етгани аникланган. Икки китъада эса ахолининг умумий сони 112 миллионни ташкил этган. (Доббинс)

Демограф олим Расселл Торнтоннинг хам бу каби изланишлардан кўзлаган асосий максади ўша даврда ва ўша ерларда хакикатдан хам канча одам яшаганини аниклаш бўлган, яъни эхтимолий эмас, хакикий хисоб керак эди. Унинг хулосасига кўра, камида 9-12,5 миллион одам яшаган. Охирги пайтларда аксар тарихчилар Доббинс ва Торнтон хисоб-китобларининг ўртасини олиб, Шимолий Америка туб ахолисининг сони ўша пайтларда 15 миллион атрофида бўлган, деган фикрда тўхталишмокда.

Бошқача сўз билан айтганда, янги китъа ахолисининг сони 1980-йилларда Смитсон институти таъкидлаган ракамлардан тахминан ўн беш марта, бугунги кун фаразидан эса етти марта кўп бўлган. Доббинс ва Торнтон келтирган ракамлар 19-асрда хам маълум бўлган, бироқ “мафкуравий” талабларга жавоб бермагани учун, рад килинган эди. Яъни, мустамлакачиларнинг “хеч ким тегмаган”, одамлар кўчиб келишини кутиб турган “бўм-бўш китъа” каби асосий ёлгонларига зид келиб коларди.

Сўнгги, замонавий маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, Христофор Колумб 1492 йилнинг 12 октябрь санасида тушган оролни ўз таркибига олган ва тез орада “Янги дунё” дея аталган китъа ахолисининг умумий сони 100-145 миллион кишини ташкил этган (Станард). Икки аср ўтиб китъа ахолиси 90 фоизга кискарган. Шимолий ва Жанубий Америкада қачонлардир хаёт кечирган энг омадли халklar бугунги кунга келиб аввалги сонининг 5 фоизидан ошмаган микдоринигина саклаб колишган, холос. Гарбий яримшар (яъни, Шимолий ва Жанубий Америка)даги туб ахоли устидан ўтказилган геноцид ўзининг кўлами ва давомийлиги билан шу кунгача мислсиз бўлиб колмокда ва жaxon

тарихида бунга ўхшашликларни топиб бўлмайди.

Мисол учун, 1492 йилгача 8 миллион таинослар (аравак кабилалари) раванк топиб яшаган Испаньолада 1570 йилга келиб туб аҳоли яшайдиган атиги иккита ночор кишлок колган эди, холос. Вахоланки, ундан 80 йил илгари Колумб таинослар хакида “улардан кўра яхширок ва хушмуомалирок одамлар йўк”, дея ёзган эди...

Худудлар бўйича баъзи маълумотлар

Биринчи европаликлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб 75 йил ичида, яъни 1519 йилдан 1594 йилгача Марказий Мексика, яъни Америкадаги одам энг кўп яшаган худуд аҳолисининг сони 95 фоизга камайиб кетди, 25 миллион одамдан 1 миллион 300 минг одам колди, холос.

Гарбий Никарагуага биринчи испанлар келганидан 60 йил ўтиб унинг аҳолиси 99 фоизга кискарди, 1 миллион одамдан 10 минг одам колди. Гарбий ва Марказий Хондурасда ярим аср ичида туб аҳолининг 95 фоизи кириб ташланди. Мексика кўрфази ёнидаги Кардобада 97 фоиз аҳоли йўк килинди. Жалапа деб номланган кўшни худудда ҳам аҳолининг 97 фоизи кириб ташланди: 1520 йилда 180 минг киши бўлган бўлса, 1626 йилга келиб улардан атиги 5 минг киши колди. Бутун Мексика ва Марказий Америкада ҳам ахвол шундай эди. Европаликларнинг келиши бу ерларда минг йиллар давомида яшаб келган туб аҳолининг бутунлай йўк бўлиб кетишига олиб келди. Хозирда Перу ва Чили деб аталадиган ерларга европаликлар бостириб кириши арафасида, у ердаги инклар ватанида 9 миллиондан 14 миллионгача одам яшаган... Ўша аср сўнггида эса Перуда бир миллионга якин одам омон колган, холос. Яна бир неча йил ўтиб шунинг ярмигина жон саклаб қолишга муваффақ бўлган. Анддаги 8,5 миллиондан 13,5 миллионга етадиган аҳолининг ҳам 94 фоизи кириб ташланган.

Ўша пайтларда иккита Америка китъасида аҳоли энг кўп яшаган ўлка Бразилия бўлган, десак муболага бўлмас. Португалиялик биринчи губернатор Том де Сузанинг сўзига кўра, туб аҳоли захирасининг сони шунчалик кўпки, “уларни бемалол кушхоналарга хайдаб олиб борса ҳам тугамайди”. Унинг хисоб-китоби хато эди. 1549 йили, колония ташкил килинганидан 20 йил ўтиб, эпидемия ва плантациялардаги огир кул меҳнати туфайли, Бразилия халки кирилиб кетиш даражасигача етиб келди.

16-асрда иккита “Хиндустон”га тахминан 200 мингга якин испанлар кўчиб ўтдилар (Мексика, Марказий Америка ва жануб томонларга). У вақтга келиб, бу худудлардаги туб аҳолининг 60 миллиондан 80 миллионгача йўк килиниб бўлганди.

Колумб давридаги геноцид услублари

Биз бу ерда нацистлар услуби билан жуда катта ўхшашлик борлигини кўришимиз мумкин.

Колумбнинг иккинчи экспедициясида (1493 йил) испанлар маҳаллий аҳолини кул қилиш ва қириб ташлаш учун гитлерчилар каби зондеркоманд услубларини қўллашган. Испан қаллакесар гурухлари дорлари, қишанлари ва одамларни ўлдиришга ўргатилган итлари билан мунтазам равишда оммавий қотилликларни содир қилиш учун жазо экспедицияларини уюштириб турган. Таъқидлаш лозимки, капиталистик ва нацист геноциди орасидаги алоқа чуқурроқ илдизларга эга. Катта Антиллада истикомат қилган ва охириги ўн йиллик давомида бутунлай қириб ташланган таинос халқи «Ўрта аср ёвузликлари» ёки христиан фанатизми, хаттоки, европалик босқинчиларнинг патологик баҳиллиги қурбони бўлмади. Маълумки, уларнинг барчаси янги иқтисодий рационаллик билан ташкил этилганлиги туфайли геноцид билан яқун топган. Испания Куба, Ямайка ва бошқа орол аҳолисини даромад келтириши лозим бўлган шахсий мулк сифатида рўйхатга олган эди. Улкан ва дунёдаги энг йирик оролларга тарқалиб кетган аҳолини Ўрта аср европаликларнинг бир тўдаси томонидан методик равишда қайд этилиши, айниқса, хайратланарлиқдир.

Совут қийган, хоч қўтарган испан хисобчиларидан бевосита тортилган ришта «Бельгиянинг» Конгосида 10 миллион африкалик қириб юборилган «каучук» геноцидига ҳамда нацистларнинг қулларни қириб юборишга асосланган тизимига қараб борарди. Колумб 14 ёшдан катта бўлган барча аҳолига ҳар уч ойда испанларга олтин қум зарраларини ёки 25 фунт микдоридаги пахта (олтин бўлмаган ҳудудларда) топшириш мажбуриятини юклаган. Ушбу квота (белгиланган микдор)ни бажарганлар елкасига охириги ўлпон тўлови санаси қўрсатилган мис нишон осиб қўйилган. Мазкур нишон ўз эгасига яна уч ой ҳаёт кечириш имконини берган. Ушбу нишонсиз ёки муддати ўтган нишон билан қўлга тушганларнинг икки қўл бармоқлари кесиб ташланган, кесилган бармоқлар қурбоннинг елкасига осиб қўйилган ва у ўз қишлоғига ўлар ҳолатда жўнатилган. Колумбнинг губернаторлиги вақтида Испаньоланинг ўзида 10 000 тагача ҳинду ўлдирилган. Белгиланган квота ни бажариш амалда имконсиз эди. Маҳаллий аҳоли олтин қазийш учун озик-овқат жамғариш ва бошқа ишларни бутунлай тўхтатиши қерак эди. Бу эса, ўз навбатида, очарчилик бошланишига олиб келди. Заифлашиб қолган, тушқунликка тушган ҳиндулар испанлар олиб келган қасалликларга осонгина ўлжа бўлишарди. Бу қасалликлардан бири Колумбнинг иккинчи экспедицияси вақтида Канар оролларида Испаньолага олиб келинган чўчкалардан тарқалган грипп эди. Ўн минглаб, балки юз минглаб ҳиндулар америкача қирғиннинг ушбу биринчи босқичида қирилиб кетди. Воқеаларга гувоҳ бўлган қиши Испаньола қўчаларидаги ҳолатни шундай тасвирлаган: грипп сабабли ўлган одамларнинг жасадлари қўмилмасдан тўпланиб ётарди. Ҳиндулар қўзлари етган томонга қочишга ҳаракат қилишган: оролнинг чеккароқ қисмларига, тоғларга, хатто бошқа оролларга. Лекин ҳеч қаерда қутилиб қолиш имкони йўқ эди. Оналар ўзларини ўлдиришдан олдин болаларини ўлдиришарди. Бутун бошли қишлоқлар аҳолиси оммавий тарзда ўзларини қоядан ташлаб, ёки захар ичиб ўлдиришарди. Лекин бунданда қўпроқ одамлар испанларнинг қўлида ўлим топарди. Антилладаги геноцид ва китъадаги инсон тасаввур эта олмайдиган зўравонликларни, оммавий, гайритабиий, гайришаҳвоний шаклларда ва ҳеч бир сабабсиз амалга оширилган ваҳшийликларни одамхўрларча тизимли ва текин даромадга эришиш сифатида изоҳлаш мумкин, ҳолос. Колумб давридаги манбалар европалик мустамлакачилар ҳиндуларни қишлоқларда қовурганликлари, қулханда ёққанликлари ва дорга осганликлари ҳақида гувоҳлик беради. Болаларни эса итларга емиш сифатида бўлақлаб ташлаганлар. Таинослар аввалига испанларга ҳеч қандай қаршилиқ қўрсатмаганлар. Улар оммавий

шок холатига тушиб колган бўлсалар, ажабмас. “Испанлар одамни бир зарба ила иккига чопиб ташлаш, бошини танасидан жудо қилиш, ёки қорнини ёриб ташлаш ҳақида гаров ўйнашарди. Улар гўдақларни оналаридан тортиб олиб, норасидаларнинг бошини тошга уриб ёришарди... Колган болаларни эса оналари ва ўша ерда бўлганлар билан бирга узун қиличларига шода қилишарди”. Булардан кейин, эсэсчилардан Шаркий фронтда янада жидду-жаҳд қилишни талаб қилмаса ҳам бўлаверарди, деб адолатли равишда таъкидлайди Уорд Черчилъ. Битта ўлдирилган европалик учун юзта хинду қатл қилиниши ҳақидаги қондани испанлар жорий қилишди. Нацистлар ҳеч нарсани ихтиро қилишлари шарт эмасди, улар фақат нусха олишса қифоя эди.

Кубадаги 16-аср қирғини

Испанияликларнинг садистик хатти-ҳаракатлари ҳақидаги далилларнинг сон-саногини чексиз. Мисол учун, кўп келтириладиган Куба эпизодига кўра, 100 тача аскардан ташқил топган бўлинма қирғок бўйида ўткир тигли тошларни кўриб қолади ва уларнинг ўткирлигини синаш мақсадида эркақлар, аёллар, болалар ва қариялардан иборат бир гуруҳ хиндуларни зўравонларча ўша тошларга ташлаб, қорниларини ёра бошлайдилар. Шундай қилиб, хиндулардан биронта тирик жон қолмагунича ёвузликни давом эттирадилар. Сўнг, сал нарироқда турган қатта хонадонга ҳам бостириб қириб, ўша ваҳший қилмишларини давом эттирадилар. Ўлган ва ўлаётган жабрдийдаларнинг жароҳатларини кўриш дахшатли манзара эди.

Бу хунрезлик Зукайо қишлоғида бошланди. Қишлоқ аҳолиси “конкистадор” деб аталган махлукларни қутиб олиш учун бу воқеалардан озгина вақт олдин уларга ширин таомлар, баликлар ва мева-чеваларни тайёрлаб қўйишган эди. Бу қирғин ўша жойдан бошқа жойларга ҳам тарқалди. Испанларда садизм шиддати бошланиб, қонга бўлган қанқоклари қонгунича, уларнинг қанча хиндуларни қириб ташлаганининг сонини ҳеч қим билмайди. Лас Касаснинг ҳисоблашича, улар 20 мингдан қам бўлмаган.

Европаликлар ақлга сигмас қугум ва қийноқларни ўйлаб топишдан роҳатланишар эди. Осилган қиши бўғилиб ўлиб қолмаслиги учун оёқ бармоқларининг учигина ерга тегиб турадиган қаландликдаги дорға ўттизта хиндуни Ийсо масийҳ ва унинг қаворийлари шаъни учундек бирин-кетин осиб қўйишди. Хиндулар ўлиб улгурмасидан испанлар уларнинг устида ўз қиличларининг ўткирлиги ва қидамлилигини синаб кўрдилар, бир зарб билан қўқракларини ёриб, ички аъзоларини қикариб ташлашар ёки ундан баттар ишларни ҳам қилишарди. Сўнгра, уларнинг қимталанган қаданларини қомон билан ўраб, тириклайин ёқиб юборардилар. Бир аскар икки ёш атрофидаги икки нафар қолани тутиб олиб, оғзидан қилич қикиб, қардан улоқтириб юборган.

Вьетнамнинг Май Лай, Сонг Май ва бошқа қишлоқларида қодир этилган қирғинлардан қабардор қишлар бу қайдномалар билан қанишадиган бўлса, ўзаро таққослаш қанчалик тўғрилигини тушуниб етади. Чунки испанлар ҳам ўз террорларини қайдномаларда “қинқланқариш” деган ном билан атаганлар. (Агар бошқа бир атамани қўллашганида, зулм қўлами қанчалик бўларди?!) Вьетнамдаги уруш ўзининг қикёси билан қанчалик дахшатли бўлмасин, беш юз йил олдин биргина Испаньола оролининг ўзида қодир

этилган ишларга тенглаша олмайди.

1492 йили Колумбнинг у оролларга келиши вақтида орол аҳолисининг сони 8 миллион кишини ташкил этарди. Тўрт йил ўтиб, уларнинг учдан биридан то ярмигача кириб ташланган. 1496 йилдан сўнг ҳам уларни кириш тезлиги ошиб борган.

Куллар меҳнати

Геноциддан қўзланган асосий мақсад ҳаётий ҳудудга эга бўлиш учун маҳаллий аҳолини кириш бўлган Британия Америкасидан фаркли равишда, Марказий ва Жанубий Америкадаги геноцид хиндуларни иқтисодий мақсадларда шафкатсизларча эксплуатация қилишнинг оқибати бўлди.

Оммавий котилликлар, қийноқлар қамёб ҳолат бўлмаган, уларнинг ҳаммаси маҳаллий аҳолини бўйинсиндириш ва “тинчлантириш” учун террор қуроли бўлиб хизмат қилган. Америка аҳолисига олтин ва қумуш конларида ишлаши керак бўлган ўн миллионлаб текин табиий ишчи қуч сифатида қаралган. Уларнинг сони босқинчиларнинг фикрича шунчалик қўп эдики, қуллардан иборат ишчи қучларни ўзларидан қўпайтириш ўрнига уларни бошқалар билан алмаштириш испанлар учун “энг қулай ва рационал иқтисодий услуб” бўлган. “Эскирган” хиндуларни янги қуллар тўдаси билан алмаштириш учун аввалгиларини оғир меҳнат билан ўлдиришган.

Уларни Анд тоғларидан қуйига, тропик ўрмонлардаги қоқа плантацияларига ҳайдаб тушардилар. Пастда эса уларнинг организми ўлим билан яқун топувчи ҳавфли касалликларнинг енгилгина ўлжасига айланарди. Бурун, оғиз ва томоқ чиришига олиб келувчи “ута” қаби ҳасталиклардан одам боласи азобли ўлимга дучор бўларди. Бундай плантациялардаги ўлим даражаси шу қадар юқори эдики (беш ой ичида 50% гача), қирол қоқа ишлаб чиқаришни чеклаш ҳақида фармон чиқаришга ҳам мажбур бўлганди. Бирок, қўплаб фармонлар қаби, бу фармон ҳам фақат қозғалдиға қолиб қетти, ҳолос. Ўша пайтда ёзиб қолдирилганидек, “плантациялардаги қоқа касалликдан бошқа нарса эмас, бу эса энг даҳшатлисидир. Бу испанларнинг чеки йўқ очқўзлигидир”.

Бирок, қумуш конларига тушиш бундан ҳам ёмон эди. Ишчилар ҳафтасига бир қоп қовурилган маис (жухори) берилиб, 250 метр қуқуриққа туширилар эди. Оғир иш, ўпирилишлар, носоз вентиляция ва назоратчиларнинг зулмидан ташқари, хиндулардан бўлган қончилар мишьяк, симоб ва ҳақозоларнинг заҳарли қуғлари билан нафас олишга мажбур эди. “Агар душанба қуни 20 та хинду шахтага тушадиган бўлса, яқшанба қуни уларнинг ярмиги на мажруҳ қолда тепага қикиши мумкин эди”, деб ёзади ўша қамон қувоҳларидан бири.

Стандарднинг ҳисоб-қитобиға қўра, қоқа деб номланувчи ўсимлик теримчилари ва хинду қончиларининг умри илк геноцид даврида уч ёки тўрт ойдан ошмаган. Бу аҳволни 1943 йил Освенцимдаги синтетик резина фабрикасида ишлаган асирларнинг ҳаётиға ҳам ўхшатиш мумкин. Ақтеқларнинг пойтахти Теночтитланди қирғиндан сўнг Испания Қортеси Марказий Мексикани “Янги Испания” деб эълон қилди ва у ерда қулдорлиққа асосланган мустанлақа тартибини ўрнатди. Хиндуларни қонларда ишлатиш учун “тинчитиш” (қуқорида таъқидланганидек, Вьетнамдаги уруш даврида Вашингтоннинг

расмий сиёсати ҳам худди шундай аталган) ва кийночка солиш услуби ўша замонда худди шу тарзда ифодалаган.

“Кўп сонли шохидларнинг кўп сонли гувоҳликлари хиндуларни тоғ конларига тўп-тўп килиб олиб кетилаётгани хакида хикоя килади. Уларни бир-бирларига бўйинкишанлар билан занжирбанд килишган. Кулаб тушганларнинг бошини танасидан жудо килишарди. Уйларга камаб ёндирилганлар, юришга кийналган кексалар ва юришни билмайдиган болаларнинг бўғизлаб ташлангани хакида гапиришади. Аёлларнинг кўкрагини кесиб ташлаш ва уларни кўл ёки кўрфазларга улоктиришдан олдин оёқларига огир нарсаларни боғлаб кўйиш одатий холга айланганди. Онасидан юлиб олинган, ўлдириб йўл белгиси сифатида фойдаланилган чакалоқлар хакида хикоя килинади. Кочок ёки “саёк” хиндуларнинг оёқ-кўллари чопилиб, кесилган кафтлари ва бурунларини ўз бўйинларига осиб, кишлокларига жўнатишган. Имкони борича кўплаб тутиб олинган хомиладор аёллар, болалар ва қарияларни тубига ўткир козиклар кокилган махсус ўраларга улоктираётганлари ва чуқур тўлгунига қадар ўша ерда колдирилаётгани хакида хикоя килишади. Ва бошқа кўп, жуда кўп нарсалар хакида”. (Станард)

Натижада, “конкистадор”лар 1595 йили ҳозирги Мексика ҳудудига келган вақтларида у ерда яшаётган 25 миллион аҳолидан 1,3 миллион кишигина қолганди. Тирик қолганлар ҳам асосан қон ва плантациялардаги азобли меҳнатга дучор қилинган эдилар.

Пизарро тўдаси қилич ва қамчилар билан иш юритган Анд тоғларида 16-аср охирига келиб аҳоли сони 14 миллиондан қарийб 1 миллионгача қамайиб кетди. Бунинг сабаби ҳам Мексика ва Марказий Америкада бўлгани қабил эди. 1539 йилда Перуда бир испаниялик ёзиб қолдирганидек, “хиндулар бу ерда батамом ҳалок бўлмоқдалар... улар биргина емиш илнжида қўлида ҳоқ билан бўлса ҳам дуо қилишга мажбур бўлмоқдалар. Аммо [асқарлар] барча ламаларни факат шам ясаш мақсадидагина ўлдириб ташламоқдалар... хиндуларга экин ишлари учун ёрдамлашадиган биронта ҳам ҳайвонни қолдирмаяптилар, уларда бошқа ҳайвон ва уни оладиган бошқа жойи бўлмагани учун, хиндуларнинг очликдан ўлишдан бошқа қораси қолмаяпти”. (Черчилъ)

Геноциднинг психологик жихати

Америка геноциди бўйича энг янги қамон тарихчилари унинг психологик жихатига, ўнлаб ва юзлаб халқлар ва этник гуруҳларни битта ҳам қолдирмай қириб ташлашда депрессия ва стресснинг тутган ўрнига борган сари қўпроқ эътибор қарата бошламоқдалар. Ва бу ерда биз қобик Совет Иттифоқидаги халқларнинг ҳозирги аҳволи билан бўлган ўхшашликни қўришимиз мумкин.

Америка туб аҳолисининг рухий “дислоқацияси”га оид қўплаб далил-исботлар геноцид тақвимида қамланиб қолган. Европалик босқинчилар томонидан қул қилинган халқларни очикчасига қириб ташлаш мақсадида уларнинг маданиятига қарши юз йиллар мобайнида олиб қорилган маданий уруш Янги дунё туб аҳолисининг руҳиятида ақл қовар қилмас қаражадаги оқибатларни қелтириб қикарди. Бундай “рухий ҳужум” туб аҳолида алқоголизмдан тортиб, то сурункали депрессия, қенг миқёсда болаларни ва ўзини ўзи ўлдириш қабил оқибатларни қелтириб қикарди. Ақсарият қолларда эса, одамлар ерга

ётганларича жон бера бошладилар. Рухиятнинг шикастланиши тугилиш даражасининг кескин пасайиб кетишига ва болалар орасида ўлим даражасининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлди. Касалликлар, очарчилик, огир меҳнат ва котилликлар туб жамоанинг тўлик кирилиб кетишига олиб келолмаган бўлса-да, тугилишнинг паст кўрсаткичлари ва болалар орасидаги ўлим даражаси, барибир, эртами-кечми бунга олиб келарди. Хиндулар орасида болалар тугилиш даражасининг кескин пасайиб кетганини кўрган испанлар, вақти-вақти билан уларни бола тугишга мажбурлашга ҳам ҳаракат қилиб турардилар.

Кирпатрик Сейл таинос кабиласининг геноцидга бўлган реакциясини шундай хулосалайди: "...таиносни катта кемалар эгаси бўлган ок танли кишилардаги хайратга солган нарса – бу уларнинг зўравонлиги ёки очкўзлигию мулкка бўлган гайритабиий муносабати эмас, балки уларнинг дийдаси котиб кетганлиги, бахллиги ва юрагида муҳаббат йўклиги эди".

Умуман олганда, барча китъалар – Испаньола, Анд ва Калифорниядан тортиб то Экваториал Африка, Хинд субкитъаси, Хитой ва Тасманияга қадар чўзилган империалистик геноцид тарихини ўқир экансиз, Уэльснинг "Оламлар урушлари" ёки Брэдберининг "Марс хроникалари" каби асарларни бошқача тушуна бошларкансиз. Холливуддаги ўзга сайёраликлар ҳужумини-ку айтмаса ҳам бўлаверади. Евроамерика фантастикасининг бу каби даҳшатларининг илдизи ўша ўтмишга бориб тақалмасмикин? Аждодлари Колумбдан то Черчилгача, Гитлердан то Бушгача бўлган шахслар томонидан кириб келинганлар ва ҳозир ҳам кириб келинаётганлар олдида бу ўзини "ўзга сайёраликлар"нинг қурбони қилиб кўрсатган ҳолда айбдорлик ҳиссини йўқ қилишга ҳақириқ эмасми? (ёки, аксинча, янги геноцидга тайёргарликмикин?!)

Қурбонларни ёвузлаштириш

Америкадаги геноцид маҳсус тарғибот билан қўллаб-қувватлаб турилар, унинг ўзига яраша "қора пиари" ҳам бор эди. Аслида, бугун ҳам евроамерика империалистлари бундай қора пиардан ўз аҳолисининг наздида бўлгуси қурбонини ёвуз ва қўрқинчли қилиш, уруш ва талончиликка ўзича адолат тусини бериш учун фойдаланишади. 1493 йилнинг 16 январида таиносларни ўлдиришганидан уч кун ўтиб, Колумб ўз кемаларини яна Европага бурди. У ўзининг қайд этиш журналига испанлар маҳаллий аҳолини ва "Қариб оролининг одамхўр ва ёвуз аҳолисини" қандай ўлдиришгани ҳақида битиб қўйди. Замонавий антропологларнинг таъкидлашича, айнан мана шу ёзув Антилл аҳолисини, кейинчалик эса "янги дунё" вакиллари оммавий қиргин қилишга, қайсидир маънода, сабаб бўлди. Мустамлакачиларни олқишлаган ва уларга бўйсунган туб аҳоли вакиллари "ёкимтой таинос" дея ҳисобланган. Қаршилик кўрсатганлар ёки испанлар томонидан ўлдирилганлар эса мустамлакачиларнинг қўлидан келадиган барча жазоларга "муносиб" "вахший одамхўрлар" сирасига қиритилар эди. Мисол учун, Колумбнинг қундалиқ журналидаги 1492 йил 4 ва 23 ноябрь куни битилган ёзувларда шундай қаторларни ўқиш мумкин: "...бу ёвуз вахшийлар пешонасининг ўртасида кўзи бор... улар ит тумшуклари билан қурбонларининг қонини ичадилар, бўғизлайдилар ва

бичадилар...”.

“Бу оролларни инсон гўштини ейдиган одамхўрлар, ёввойи, бўйсунмайдиган ирк босиб олган. Уларни антропофаглар деб аташ тўғрирок бўлади. Улар мулойим, тортинчок хиндуларга карши уларнинг танаси учун узлуксиз уруш олиб бормокдалар. Улар ов килаётган нарса, уларнинг ўлжаси шудир. Улар хиндуларни аёвсиз кирмокдалар ва террор килмокдалар”. Колумбнинг иккинчи экспедицияси аъзоси бўлган Команинг бу тавсифи Кариб ахолисидан кўра европаликларга кўпрок каратилгандир. Европаликлар ўзлари аввал кўрмаган, аммо ўз ўлжасига айланиши керак бўлган бу инсонларни олдинданок одам хисобидан чиқариб юборган эдилар.

Булар нафакат узок ўтмишнинг, балки бугунги куннинг ҳам ачинарли хакикатидир, афсус. “Ёввойи ва таслим бўлмас ирк” – Гарб империализмининг Колумбдан то ҳозирга қадар илгари сурилайётган асосий ўйдирмасидир.

“Ёввойи” эканлигига сабаб унинг гўёки “маданиятли” мустамлакачиларга кул бўлишга рози бўлмаганлигидадир, балки?! (Ўз вақтида шўро коммунистлари ҳам “цивилизациянинг ёввойи душманлари” деган тамгадан “унумли” фойдаланиб келганлар). 1493 йилда “пешонасининг ўртасида кўзи бўлган” ва “итга ўхшаган бурунга эга бўлган Кариб одамхўрлари”ни ўйлаб топган Колумб ва 1942 йил ўрталарида эсес раҳнамоларининг мажлисида Шаркий фронтдаги урушни: “Аввалги барча кампаниялар вақтида Германия душманлари “азалий ва маданий... Гарбий Европача нозиклиги” туфайли кучли рақибга ўз вақтида бўш келиш учун етарлича ақл-идрок ва виждон бор эди” - деб тавсифлаган рейхсфюрер Гиммлер ўртасида узвий алоқа мавжуд.

Аслини олганда, мафкуравий инверсия қоида­сига мувофиқ, Янги дунёнинг туб ахолиси эмас, балки мустамлакачиларнинг ўзлари одамхўрлик билан шугулланишган. Колумбнинг иккинчи экспедицияси Карибга одамларни ўлдириб уларнинг ички аъзоларини ейишга ўргатилган кўп сонли мастиф ва грейхаунд зотли итларни олиб келди. Тез фурсат ичида испанлар ўз итларини одам гўшти билан боқишга ўтдилар. Тирик болаларга эса тансик таом сифатида қаралди. Мустамлакачилар ўз итларига ёш болаларни, кўпинча ота-онасининг кўз ўнгида, гажиб ташлашларига рухсат берар эдилар.

Замонавий тарихчилар Карибда бутун бошли “гўшт сотиш”» шахобчалари мавжуд бўлган деган фикрга келишмоқда. Бу “савдо расталари”да хиндуларнинг гўштли­ри итлар учун ем сифатида сотилган. Колумбнинг бошқа “мероси” каби одамхўрлик ҳам янги китъада ривож топди. Инклар юртига бостириб қирган боскинчиларнинг бирининг мактуби сақланиб қолган: «...Қарфагендан қайтаганимда Рохе Мартин исмли португални учрати­б қолдим. Унинг уй эшиги олдида итлари учун тайёрлаб қўйилган хиндуларнинг чопилган гўштли­ри осилиб турар эди, худди ёввойи хайвон гўштли­ридек...». (Станард)

Ўз ўрнида испанлар ҳам олтин ва қулларни излаш вақтида қийин ҳолатга тушганида ва очарчиликка дучор бўлганида одам гўшти билан боқилган ўз итларини ейишга мажбур бўлган ҳолатлари бўлган. Геноциднинг мудҳиш бир истехзоси шундай бўлган.

Нима учун?

Черчилъ савол беради: инсон номи остидаги мавжудот, ҳатто улар Колумб даврида

яшаган хамда ёппасига бойлик ва юксак нуфуз иштиёкига чалинган испан бўлсалар хам, узок вақт давомида ўзга одамларга нисбатан беҳад ваҳшийлик ва ўта кетган гайриинсоний муносабатни изхор этишларини кандай қилиб изохлаб бўлади?!

Америкада илк Ўрта асрлардан “Уйғониш”гача бўлган давргача геноциднинг гоёвий негизларини кузатган Станард хам олдинроқ шу каби саволларни қўтариб чиққанди: “Мусулмонлар, африкаликлар, америкалик хиндулар, яҳудийлар, лўлилар хамда бошқа диний, иркий ва этник гуруҳларга нисбатан амалга оширилган геноцид ортида онги ва жону дили билан турган ўша одамлар ким ўзи?! Бугун хам одамларни оммавий равишда ўлдираётганлар кимлар?! Бундай мудҳиш жиноятларни содир этиш учун одам кандай бўлиши керак экан-а?!”.

Станард насронийлар ва ўқувчиларни қадимги даврлардан бери давом этиб келаётган европалик насронийларнинг жинс, ирк ва уруш ҳақидаги қарашлари билан таништириб қўйишга ҳақиқат. Унинг кузатишича, Ўрта асрлар охирида Европа Янги дунёнинг туб аҳолисига қарши тўрт юз йиллик геноцид учун керак бўладиган барча сабабларни ҳозирлаб қўйган экан.

Станард насронийликнинг “нафсоний истакларини” тиймок каби буйруқларига, яъни Европа маданиятида черков тарғиб қилаётган ва шахватга бўлган репрессив муносабатга ўзининг алоҳида эътиборини қаратади. Хусусан, у Янги дунёдаги геноцид билан бутун Европада кузатилган ва баъзи замонавий тадқиқотчиларнинг қарашидида халқ орасида машҳур бўлган ва черков ҳукмронлиги ва юқори табақали феодалларга таҳдид солувчи матриархал жохилият мафқураси вакиллари бўлган “жодугарларга” қарши террор ўртасида генетик алоқа борлигини аниқлаган. У ирк ва тана ранги ҳақидаги концепциянинг Европадан келиб чиққанлигини хам таъкидлайди.

Ўрта аср бошларида насронийларни қул қилиб ушлаб туришга қарши бўлган черков доим қул савдосини қўллаб-қувватлаган. Чунки черков том маънода фақат насронийни инсон деб ҳисоблаган, ҳолос. Бошқалар фақат насронийликни қабул қилиб инсонга айланиши мумкин бўлган, сўнг эса озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ, 14-асрда черков сиёсатида мудҳиш ўзгаришлар бўй берди. Ўрта ер дингизи атрофида қул савдоси гуллаб-яшнаши оқибатида, мўмай даромад олиш имконияти пайдо бўлди. Аммо бу даромадларга насронийлик мафқурасининг ўзига ҳослигини мустаҳкамлаш мақсадида черков томонидан қўйилган бўшлиқлар ҳавф солар эди. Аввалги даврдаги мафқуравий асослар энди насроний ҳукмрон табақаларнинг моддий манфаатларига қарши кела бошлади. Ва нихоят 1366 йилда Флоренция зодагонлари ўзга динга мансуб қулларни олиб келиш ва сотишга руҳсат берди; бунда “ўзга динга мансублик” ҳукми остида “католик оқимиға янги қирган, бироқ асл келиб чиқиши насроний бўлмаган барча қуллар” ва “ўзга дин ўлкаси ва иркига мансуб” барча қуллар қириб кетди. Шу йўсин, черков ўзининг диний эътиқодига асосланган қулдорлик тамойилини иркий мансублик қодалари билан алмаштирди, бу эса (арман, яҳудий, лўли, славян ва х.з. каби) ўзгармас иркий ва этник аломатларга асосланган янги давр геноцидлари томон муҳим қадам бўлди.

Европанинг “иркшунослик илми” бу ўринда диндан ҳеч хам ортда қолмади. Зодагонлар табақасининг генетик жихатдан тоза бўлиш шарти Европа феодализмнинг ўзига ҳос хусусиятларидан эди. Испанияда *limpieza de sangra* - “қоннинг тозаллиги” тушунчаси 15-аср охири ва 14-аср давомида муҳим аҳамият касб этди. Зодагонликка на бойлик ва на хизмат билан эришиб бўларди. “Иркшунослик илми”нинг манбаи ўша даврдаги насл-насаб алоқаларини текширувчи бир тўда мутахассисларнинг насл-насабга оид

изланишлари натижаси ортида ётарди.

Швейцариялик танилган медик ва файласуф Парацельс томонидан 1520 йилга келиб илгари сурилган “Айри ва тенг бўлмаган келиб чиқиш” назарияси айниқса катта аҳамият касб этди. Мазкур назарияга кўра, хиндулар ва насроний бўлмаган бошқа “рангли” халклар Одам ва Ева (Хаво)дан эмас, балки паст бўлган бошқа ота-боболаридан келиб чиққан, деб ҳисобланган. Парацельс гоёлари европаликларнинг Мексика ва Жанубий Америкага бостириб кириши арафасида Европада кенг тарқалди. Бу гоёлар 19-асрда псевдоилмий иркчиликнинг ажралмас қисмига айланган ва ўзича “полигенезис” деб номланувчи назариянинг илк тарзда намоён бўлиши эди. Аслида, Парацельс ёзувлари чоп этилишидан ҳам аввал, геноцидни бу қаби гоёвий ўхшаш тарзда оклаш ишлари Испания (1512 й.) ва Шотландияда (1519 й.) пайдо бўлган эди. Испаниялик Бернардо де Меса (кейинчалик Куба епископи) ва шотландиялик Иоган Мейжер ҳам ўзларича “Янги дунёнинг туб аҳолиси Худо томонидан Европа насронийларига кул бўлиши ирода қилинган ўзига хос ирк эканлиги” ҳақидаги бирхил “хулоса”га келишганди.

Испан “зиёли”ларининг хиндулар инсон ёки маймун эканлиги ҳақидаги гоёвий бахсларининг энг кизиган вақти Марказий ва Жанубий Америкада кўркинчли эпидемия, хайвонларча оммавий котилликлар ва жуда огир меҳнат оқибатида миллионлаб аҳоли қирилиб кетаётган 16-аср ўрталарига бориб такалади.

Хинду ўлкаларининг “расмий тарихчиси” Фернандес де Овиеда хиндуларга нисбатан бўлган вахшийликни инкор қилмай, “юлдузлар қаби чексиз бўлган дахшатли ўлим”ларни баён қилади. Бирок, у бу нарсаларни маъкул ҳисоблаб, “насроний бўлмаган жохилларга қарши порох ишлатиш – Худо учун ладан тутатиш қабидир”, деб ўзича изоҳлайди (ладан – шу ном билан аталувчи ва бошқа ўсимликлардан олинадиган ҳамда насронийларнинг диний маросимларида тутатиладиган смола).

Лас Касаснинг Америка туб аҳолисига шафқат қилиш ҳақидаги илтижоларига испан теологи Хуан де Сепульведа шундай дейди: “Қим маданиятсиз, жохил, гуноҳ ва қабоҳат билан бузилганларни босиб олиши адолат эканига шубҳа қилиши мумкин?!”. У Арастуни “Сиёсат” асаридан иқтибос келтиради, унда айтилишича, баъзи одамлар “табиатан кулдир” ва “уларга вахший хайвонлар қаби муносабат қилиб, уларни тўғри яшашга мажбур қилиш керак”. Бунга жавобан Лас Касас шундай деган: “Келинг, Арастуни тинч қўйлик, чунки бахтимизга Масихнинг “Ўзгани ўзингни севганинг қаби сев”, деган амри бор”. (Бирок, хиндуларнинг Лас Касасдек европалик ашаддий ва инсонпарвар химоячиси ҳам “улар ҳақиқатан ҳам тўлиқ варвардир, балки” деб тан олишга ўзини мажбур ҳисоблаган).

Агар черков “зиёллари”нинг Америка туб аҳолисининг келиб чиқиши ҳақидаги қарашлари бир-биридан фарқ қилганда ҳам, Европа оммаси орасида бу ҳақида ҳамфикрлик ҳукмрон эди.

Лас Касас ва Сепульведа ўртасидаги машхур ўша бахсдан ўн беш йил аввал испаниялик шарҳловчи шундай деб ёзган: “оддий халқ Америка хиндуларини инсон эмас, балки “инсон ва маймун ўртасидаги учинчи тур мавжудот бўлиб, улар Худо томонидан инсониятга хизмат қилиш учун яратилган” дея ишонган кишиларни “донолар” деб ҳисоблашган”. (Станард).

16-асрнинг аввалидаёқ ок танли евроамерикалик ҳукмрон доирада олдинда турган геноцидни оклаш учун мустамлакачилик ва супрематизмнинг иркчиликка асосланган аполлогияси (ўз-ўзини оклаш гоёлари) шакллана бошлади. Станард ўз тадқиқотларида Америка туб аҳолисининг испанлар ва англосаксонлар томонидан қиргин қилиниши

нацистларнинг яхудий, лўли ва славян халклари устидан амалга оширган геноциди билан гоёвий боғлиқ эканини илгари сургани хайратланарли эмас. Европалик мустамлакачилар, кўчиб борган оқ танлилар ва нацистларнинг барчаси гоёвий жихаттан ягона асосга боғланади. Станарднинг кўшимча қилишича, ушбу мафкура бугун ҳам тирик. АКШнинг Жануби-шарқий Осиё ва Яқин Шарққа бўлган интервенцияси ҳам шу билан асосланади.

Шу он буюк аллома, беназир комусчи олим, мусулмон диёрининг етук фарзанди, ҳозирда инсоният Америка деб атаётган китъанинг мавжудлиги эҳтимолини илгари сурган ва ўз қарашларини илмий асослаб берган бобоқалонимиз Абу Райхон ал-Берунийни яна бир бор ёдга олдик...

Абу Муслим, "Янги Дунё" китобидан